



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 23 апрель, № 82 (8977)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КИМЁ СANOАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев кимё саноатидаги лойиҳалар ижроси ва тармоқни диверсификация қилиш бўйича режалар тақдими билан танишди.

Ислохотлар натижасида тармоқда бозор тамойиллари жорий этилиб, инвестицияларга кенг йўл очилди. Ишлаб чиқариш занжирини кенгайтириш учун Навоий, Фаргона, Қўнғиротда 3 та кимёвий кластер, Чирчиқ ва Жиззахда 2 та технопарк ташкил этилди. Қўқон суперфосфат заводи тўлиқ модернизация қилинди.

Сўнгги беш йилда 23 та янги корхона очилиб, 4 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Тармоқда халқаро брендлар кириб келди, кам тоннали маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Буларнинг самарасида кимё саноатида ишлаб чиқариш 1,5 баробар ўсди.

Тақдимотда мутасаддилар бу йилги ишлар ва режалар тўғрисида ҳисобот берди.

Қайд этилганидек, жорий йил биринчи чорақда тармоқда 181 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилган, 39 миллион долларлик 3 та лойиҳа ишга туширилган.

Энди иккинчи чорақда 170 миллион долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳисобидан “яшил” водород ва циан тузлари корхоналарини ишга тушириш режалаштирилган.

Рақамлаштириш жараёни давом эттирилиб, тармоқнинг ҳамкор соҳалар билан интеграцияси кенгайтирилди.

Кимё заводларининг ягона газначилик тизимида қўшимча модуллер очилди. “Ягона рақамли платформа” якунига етказилиб, корхоналарнинг 15 та иқтисодий кўрсаткичи акс эттирилди.

Яна бир муҳим вазифа — энергия самарадорлиги. Энергияни тежаш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш орқали таннархни камайтириш зарурлиги таъкидланди.

Соҳада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўпчилиги кўрсатиб ўтилди. Жадал ривожланаётган ички бозорда маҳсулотларга талаб ортаётти. Жаҳон бозоридagi нобарқарор шароит ҳам янги вазифалар қўймоқда.

Шу боис тармоқни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, маҳаллийлаштириш ва қўшилган қийматни ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Мутасаддиларга ҳозирги замон талаблари ва келгуси иқтисодий прогнозлар асосида кимё саноатини ривожлантириш бўйича янги дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бунда янги йўналишларни ўзлаштириш орқали тармоқни диверсификация қилиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

БОЗОР ТАЛАБЛАРИГА МОС ТАРАҚҚИЁТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 апрель кун электротехника соҳасида жорий йил биринчи чорақда қилинган ишлар ва навбатдаги вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Бу тармоқ мамлакатимиз саноатининг драйверларидан бири. Сўнгги етти йилда экспорт ҳажми 7 баробарга ўсган ва географияси 63 та давлатга етган. Ҳозирги кунда тармоқда 500 га яқин корхоналар бўлиб, уларда 27 мингдан зиёд юртдошларимиз ишламоқда.

Ушбу салоҳиятни ошириш мақсадида шу йил 22 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электротехника саноатини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, инвестициялар ва хорижий брендларни жалб этиш, тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантириш чоралари кўриломоқда.

Жорий йил биринчи чорақда тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми 7 триллион сўмдан ошган. Қарийб 310 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, бу кўрсаткич 1,3 баробар ўсган.

Шу даврда 55 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган. Шундан 48 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлардир.

Хорижий брендлар остида хариддоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 900 миллион долларга тенг лойиҳалар шакллантирилди. Айни пайтда техник

жараёнларни келишиш, зарур технологияларни йўлга қўйиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Тақдимотда иккинчи чорақка ва йил якунигача мўлжалланган асосий режалар ҳам айтиб ўтилди.

Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 43 триллион сўмга етказиш, қарийб 5 триллион сўмлик маҳсулотларни маҳаллийлаштириш кўзда тутилган. Умумий қиймати 656 миллион долларлик 71 та лойиҳани амалга ошириб, 4 минг 600 та иш ўрни очил мўлжалланган. Экспорт миқдори 1 миллиард 700 миллион долларга, географияси 68 та мамлакатга етиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дунёдаги иқтисодий тебранишлар шароитида электротехника саноатида ҳам ривожланиш траекториясини тўғри танлаб, бозор талабларига тез мослашиш муҳимлигини таъкидлади.

Маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар олиш, замонавий технологияларга муносиб малакали кадрлар тайёрлаш зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддиларга тармоқдаги ҳар бир корхона билан ишлаб, саноат ва логистика занжирларида юзага келадиган масалаларни ҳал этиш, экспорт географиясини диверсификация қилиб, янги бозорлар топиш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

ТУРКМАН ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ ЕТАКЧИСИ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов 23-24 апрель кунлари ташриф билан Самарқанд шаҳрида бўлади.

Бўлажак музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилади.

Ў.А.

КЎЗ ЎНГИМИЗДА ЎЗГАРАЁТГАН АНДИЖОН

Бугун Андижон янада чирой очмоқда. Бинобарин Президентимизнинг вилоятга ҳар бир ташрифидан кейин ҳудудда жиддий ўзгаришлар юз беради, кўркакча-кўрк қўшилиди, аҳолининг кайфияти янада кўтарилди.

Муносабат

Давлат раҳбари бу вилоятда, энг аввало, уй-жой, кейин бандлик масаласи бирламчи эканини кўп таъкидлайди. Чунки вилоятда яқин-яқингача ҳам бир ҳовлида уч, тўрт, ҳатто бештагача оила яшаган ҳолатлар талайгина эди. Бугун уларнинг кўп қисми Президентимиз олиб бораётган халқчил сиёсат туфайли ўз оиласи билан алоҳида уйларда истикомат қиляпти, ҳаётидан рози бўлиб яшаяпти. Бунинг катта бахт эканини йиллар давомида бир кичик ватан — бошпана умидида машаққат чекканлар чуқур ҳис этади. Хусусан, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, кўп болали оилалар, боқувчисини йўқотганларга имтиёзли уй-жой бериш асл инсонийликнинг амалдаги ифодаси бўлмоқда.

Қачонки, инсоннинг ҳаётидаги оғир ташвишлари ариса, ёруғ кунларга ишонч билан яшайди. Бундайлар нафақат ўз уйини, балки маҳалласини ҳам обод қиладди, жамиятда муносиб ўрин топиб, фарзандининг келажагига мустаҳкам замин яратади, юрт тараққиётига ҳисса қўшади. Айниқса, бу ўзгаришлар одамлар кўз ўнгиде юз берса, билингки, жамиятдаги ҳар бир фуқаронини яшашга, ҳаётга бўлган интилиши кучаяди.

Бугун андижонликлар катта-катта лойиҳалар ва улкан бунёдкорлик ишларига, янгиликларга биринчилардан бўлиб қўл ура бошлади. Энг муҳими, аҳилликда яшашнинг юксак намунасини бутун мамлакатга намён эта оляпти. Ўтган йили вилоятда 4 мингдан зиёд янги тадбиркорлар иш бошлади, 450 минг аҳоли ишли бўлди. Минглаб оилаларга барака кирди. Вилоятда 1,5 млн. квадрат метр тураржой ва 850 минг квадрат метр нотураржойлар қад кўтарди. Бунинг ҳисобига ўтган йили савдо ва хизматлар ҳажми 13 фоизга, саноат 7,5 фоизга ошди. Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Андижонда иқтисодий салоҳият, янги лойиҳалар ва ташаббуслар кўп. 2025 йилда Андижон вилоятида камида 6 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаб, ялпи ҳудудий маҳсулотини 105 трлн. сўмдан ошириш, 305 минг аҳолини банд қилиб, 150 минг одамни камбағалликдан чиқариш имконияти кўзда тутилмоқда. Бу йил хорижий инвестициялар ҳажмини 3,1 млрд. долларга етказиш, 1 млрд. долларлик 23 та йирик, 321 та кичик ва ўрта лойиҳани ишга тушириш, экспортни 1,5 млрд. долларга, маҳаллийлаштириш ҳажмини 10 трлн. сўмга олиб чиқиш устида иш олиб бориляптики, бу андижонликларнинг ҳаётини янада яхшилаш кафолати бўлиб хизмат қиладди.

Ў.А.

ДИПЛОМАТИК МУЛОҚОТ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Олий Мажлис Сенатида 24 апрель — Тинчлик учун халқаро кўп томонлама муносабатлар ва дипломатия кунига бағишлаб “Халқ дипломатияси — сайёрада тинчлик сари йўл” мавзuida семинар ўтказилди.

Семинар

Мазкур сана жамиятни бирлаштириш, низоларни ҳал қилишда дипломатик мулоқотнинг афзаллигини эътироф этиш ҳамда қон тўкилиши, бегуноҳ инсонлар қурбон бўлиши, вайронагарчилик ва бузғунчиликни келтириб чиқарувчи жараёнлар — музокаралардан бош тортиш ва баҳсли масалаларни куч билан ҳал қилишга уринишларнинг салбий томонларини кўрсатиш мақсадида ҳар йили нишонлаб келинади.



Муҳокама

ИЛЛАТГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗЛИК МУҲИТИ — АСОСИЙ МАСАЛА

Олий Мажлис Сенати ҳузурида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан Аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муроасасизлик муҳитини шакллантириш бўйича 2025 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар ижроси муҳокама қилинди.

Қайд этиш керакки, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис юқори палатасининг биринчи мажлисидаги нутқида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича қабул қилинган Сенатнинг Харакатлар дастурига кўра Сенат Кенгашининг тегишли қарори билан Аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муроасасизлик муҳитини шакллантириш бўйича 2025 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасига кўра бугунги кунга қадар қатор ишлар амалга



вий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда ишчи гуруҳ томонидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар, шу жумладан, давлат органлари ва ташкилотларининг очиликчини таъминлашга қаратилган фаолият таҳлил қилинди, соҳа мутахассислари ҳамда амалиётчи олимларнинг фикрлари тингланди.

Таъкидланганидек, Аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муроасасизлик муҳитини шакллантириш бўйича 2025 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасига кўра бугунги кунга қадар қатор ишлар амалга



ОДАМЛАРНИ ҲАЁТДАН РОЗИ ҚИЛИШ — ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис аввалида Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи ва мамлакатимиз ҳаётидаги бошқа муҳим воқеликлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига ташрифи давомида барпо этилган “Янги Ўзбекистон” боғидаги халқ сайлида қатнашиб нутқ сўзлагани, ушбу нутқ водий аҳлининг кайфиятини кўтариб, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлагани, андижонликларни янги марралар сари ундагани айтилди.

Спикер 18 апрель кун Президент раислигида дунёда юз бераётган иқтисодий тебранишларнинг соҳа ва тармоқларга таъсирини камайтириш чора-

тадбирлари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши аҳамиятига ҳам тўхталиб ўтди. Қонунчилик палатаси мазкур йиғилишда кўрсатиб ўтилган масалаларнинг амалдаги ижросини таъминлашда ҳаракат қилиши кераклигини таъкидлади.

Шунингдек, футбол бўйича 17 ёшгача бўлган Ўзбекистон терма жамоаси Осиё кубогини қўлга қириштиб, чемпион бўлганига эътибор қаратди ва ушбу тарихий ғалаба барчамизга фахр-ифтихор бағишлагани, Президентимиз терма жамоа аъзоларига табрик йўллаганини алоҳида қайд этди. Ушбу ғалаба юртимизда спортга, жумладан, футбол ривожига берилган юксак эътиборнинг яна бир амалий натижаси экани эътироф қилинди.



Дунё шу кунга қадар бошдан кечирган урушларнинг қай бирини олмайлик, ундаги бемисл ваҳшийликлар, вайронкорликлардан, энг аввало, аёллар ва болалар жабр кўргани айни ҳақиқатдир.

Бедор ўйлар

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2000 йил 31 октябрда қабул қилинган “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” тўғрисидаги резолюциясида илк бор хотин-қизлар ва болалар қуролли моҳаролардан энг кўп жабр кўрадиган қатлам экани, шунингдек, улар аниқ мақсадга йўналтирилган таъжову ва зўравонликларга тобора кўпроқ дучор бўлаётгани ифода этилгани бежиз эмас.

Кейинчалик айни йўналишда яна бир қатор қўшимча резолюциялар ҳам қабул қилинган. Ушбу ҳужжатларда БМТ, унга аъзо давлатлар ва ҳамкорларининг моҳаролар домида қолган хотин-қизлар эҳтиёжлари ва талаблари ҳисоб-

нинг ўғли, бир аёлнинг севган ёри, бир қизнинг меҳрибон отаси, бир оиланинг суянган тоғи эди. Шундай катта йўқотишларда ҳам бизнинг моҳароларимиз, оналаримиз “Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — ғалаба учун!” деб яшаган, ҳаловатдан воз кечган, тиним билмай меҳнат қилган, матонат кўрсатган.

Армия учун пахтали комбинезонлар, этик ва кўнжлик ботинкалар тикилаётган, вагонларда тўп-тўп газлама, тонналаб ғалла, полиз маҳсулотлари, қуруқ ва ҳўл мевалар жўнатилаётган кадрларни биз кинохроникаларда кўп кўрганмиз. Ўзбекистон уруш йилларида фронт ортидаги мустаҳкам таъминот базасига айлангани ҳам тарихдан маълум. Юртимиздан жанг майдонларига катта миқдорда қурул-яроғ, озик-овқат, дори-дармон, кийим-кечак, палатка, парашют ва бошқа зарур маҳсулотлар юборилган. Буларнинг барчасини тикиб,

тайёрлаб, экиб, йиғиб-териб олган, бироқ ўзи емай-киймай кексалар ва болаларни ёнига олиб туну кун асосий меҳнатни қилган хотин-қизлар бўлган.

Эрақлар фронтга сафарбар этилгани боис тракторчилик, токарлик, слесарлик каби касбларни ўрганиб, далага чиқиб кишлоқ хўжалиги ишларини қўлга олганлар ҳам аёллар эди. Уруш оқибатида етим қолган 250 мингдан зиёд болаларни бағрига босган ҳам ўзбек оилалари, бизнинг оналаримиз бўлган. 14 нафар болани ўз тарбиясига олган Шоахмад ота Шомахмудов оиласи шарофига яратилган “Сен етим эмассан” фильмидаги манзараларни ҳали-ҳануз кўзимизда ёш билан кўрамиз. Бахри аянинг матонатига тасаннолар айтаимиз.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ғалаба боғи марказига Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб

Халқ сўзи
Народное слово
ТАНЛОВИГА

муҳташам ҳайкал ўрнатилгани, унга “Матонат мадҳияси” дея ном берилгани ҳам бежиз эмас. Бу уруш йилларида ўзбек аёллари кўрсатган жасорат ва қаҳрамонликларга юксак эҳтиром эди. Биз ана шундай сабр ва матонатли, Ватан тинчлиги учун жонини аямаган оналарнинг фарзандларимиз. Албатта, бундан фахр ва ифтихоримиз чексиз. Лекин фақат аждодларимиз билан фахрланиб, бу тинч ҳаётимиз қанчалик йўқотишлар, қанчадан-қанча оғир ва ситамли меҳнат эвазига келганини англамасак, қадрига етмасак, у мангу муқаррар деб ўйлаб, бепарволик қилсак, албатта, катта хато бўлади.



ДИПЛОМАТИК МУЛОҚОТ АФЗАЛЛИКЛАРИ



ИЛЛАТГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗЛИК МУҲИТИ – АСОСИЙ МАСАЛА

Хусусан, давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимларини “Е-learning” электрон таълим платформасида онлайн ўқитиш ишлари йўлга қўйилган. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан “Очиқ маълумотларга кириш” ҳамда “Очиқлик бўйича давлат сиёсати” мавзуларида 2 та курс яратилиб, унда 119 та ташкилотдан минг нафар ходим тизимда рўйхатдан ўтказилган ва 670 таси курсни тамомлаб сертификатларга эга бўлган.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашларнинг Коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссиялари аъзолари, котибият мудирлари ҳамда ишчи гуруҳ аъзолари билан “Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2024 йилдаги давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти шафдофлигини баҳолаш бўйича “Очиқлик индекси” маълумотлари таҳлили” мавзусида семинар ташкил этилди.

Унда таъкидланишича, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Савдо-саноат палатаси, “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, “Юксалиш” умумийлик ҳаракати ва “Тараққиёт стратегияси” маркази ҳамкорлигида сўровнома ўтказилиб, унда 51 та давлат хариди операторлари, 418 та давлат бюрократчиси ҳамда 1 минг 115 та тадбиркорнинг иштироки таъминланган.

Коррупцияга қарши курашиш борасида илғор хорижий тажрибалар ўрганилиб, Финляндия Адлия вазирлигининг “Маҳаллий ҳокимиятларда коррупцияга қарши кураш — самарали бошқарув сари қадамдир” номили услубий қўлланмаси ўзбек тилида нашр этилган ва комплаенс хизматлари фаолиятига татбиқ қилиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилган.

Қўлланмада “коррупция” тушунчаси, шакллари ва уни аниқлаш масалалари, Финляндиянинг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий ҳокимият тизимида хавф-хатар зоналари, самарали ички ва ташқи назорат ҳамда коррупцияга қарши курашиш борасидаги илғор тажрибалари ёритилган. Давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ҳамда кенг аҳоли қатламлари қўлланмадан фойдаланиши учун “Yurkitob.uz” платформасига жойлаштирилган.

Шунингдек, олий таълим муассасаларининг расмий веб-сайтларида “Коррупцияга қарши курашиш” рўкнлари очилиб, унда турли мавзулардаги 738 та тарғибот материали ва маълумот ўрин олган.

Олий таълим муассасаларининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида “#Стоп коррупция” ҳештеги остида 485 маротаба челленж ўтказилиб, ушбу тадбирда 57 минг 140 та ходим, профессор-ўқитувчи ҳамда талаба-ёшлар иштироки таъминланган.

Муҳокама иштирокчилари бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш долзарб масала эканлиги боис аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш масалалари қонунчиликда ўз аксини топиши ҳамда тезроқ амалиётга татбиқ этилиши юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштириллаётганини айтишди.

Йиғилиш якунида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар инobatта олиниб, чора-тадбирлар режасининг ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашга қаратилган ишларни янада фаоллаштиришга қилиниб олинди.

«Халқ сўзи».

Бунда сиёсий, мафкуравий ҳамда иқтисодий қарама-қаршиликдан тортиб диний ёки этник хусусиятларга эга бўлган турли даража ва мазмундаги моҳирларнинг тинч йўл билан ҳал этиш, тинчлик йўлидаги ҳар қандай ташаббусларни омма-лаштириш мақсадидан келиб чиқади.

Тадбирда парламент юқори палатаси аъзолари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчи ва талабалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарда низоларни ҳал қилишда мулоқот асосий восита эканлиги таъкидланди. Иштирокчилар музокаралардан бош тортиш, зўравонлик, инсонлар ўлими ва вайронагарчиликларга олиб келадиган масалаларни куч билан ҳал қилишга ури-нишнинг салбий оқибатларига эътибор қаратди.

Ўз навбатида, талабалар ҳам ҳамкорликни янада ривожлантириш ва ёшлар дипло-матиясини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор муҳим ташаббус ҳамда таклифлар билдирди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚЧИЛ ТАШАББУСЛАР ҚОНУНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Куни кеча давлатимиз раҳбарининг “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Акс садо

Ушбу муҳим ҳужжат жорий йилнинг 5 март куни Коррупцияга қарши кура-шиш бўйича миллий кен-гашнинг кенгайтирилган йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ижроси-ни таъминлаш, шунингдек, коррупцияга қарши ку-рашиш борасида янги ти-зимни жорий этиб, ушбу масалага жамоатчилик,



харитаси”ни тасдиқлайди ва устидан назоратни таъ-минлайди.

“Фармоннинг биз, парламент аъзолари учун муҳим жамиятларидан бири — унда Олий Мажлис палаталари зиммасига алоҳида вазифа юклагани. Яъни коррупцияга қарши курашиш фақат ижро ҳокимиятининг эмас, балки қонун чиқарувчи органларнинг ҳам доимий эътиборида бўлиши кераклиги белгиланмоқда. Унга кўра депутат ва сенаторлар томонидан ҳар йили бюджетдан энг кўп маблағ оладиган учта вазирлик ва идорада коррупциявий омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритилади.”

парламент ва фуқаролик жамияти институтларини кенг сафарбар этиш мақса-дида ишлаб чиқилганини таъкидлаш жоиз. Қолавер-са, унда вазирлик ва идо-ралар раҳбарларига мазкур ҳужжат ҳамда унинг доира-сида белгиланган вазифа-ларнинг сифатли, ўз вақти-да ва сўзсиз бажарилиши юзасидан шахсий жавоб-гарлик ҳам юклатилган.

Эндиликда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ҳар йили ҳудудлар кесимида корруп-циянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумла-дан, маиший коррупцияга барҳам бериш, коррупция-га нисбатан муросасиз му-носабатда бўлиш муҳитини шакллантириш бўйича “Йўл

Фармоннинг биз, пар-ламент аъзолари учун му-ҳим жамиятларидан бири — унда Олий Мажлис палата-лари зиммасига алоҳида вазифа юклагани. Яъни коррупцияга қарши ку-рашиш фақат ижро ҳо-кимиятининг эмас, балки қонун чиқарувчи органлар-нинг ҳам доимий эътибори-да бўлиши кераклиги бел-гиланмоқда. Унга кўра де-путат ва сенаторлар томо-нидан ҳар йили бюджетдан энг кўп маблағ оладиган учта вазирлик ва идорада коррупциявий омиллар аниқланиб, уларни бар-тараф этиш бўйича такли-флар киритилади.

Шунингдек, парламент аъзолари зиммасида халқ-аро тажрибани ўрганиб ки-

бермаконда коррупцияга қарши самарали курашиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий база яратиш ҳамда халқчил ташаббуслар асосида қонунларни такомиллашти-риш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, ишчи гуруҳ тузиб “жиноятчиликка қарши курашиш ҳафтили” доирасида ҳар ойнинг 1 — 5 саналарида “қизил” тои-фадаги маҳаллаларда жи-ноятларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш, ҳудудий прокурор-лар ва ички ишлар орган-лари бошлиқлари фаолият-и самарадорлигини оши-риш бўйича тавсиялар бе-риш каби муҳим вазифалар турибди.

Масаланинг яна бир му-ҳим жиҳати, Фармон билан Олий Мажлис палаталари-га коррупциянинг олдини олиш бўйича алоҳида масъ-улият юкланмоқда. Улар то-монидан аниқ ва манзилли ишларнинг бажарилиши давлат маблағларидан мақ-садли фойдаланиш, инвес-торлар ишончини мус-таҳкамлаш, маҳаллий бюд-жетларда сарф-харажат-ларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш си-латини яхшилашга хизмат қилади. Шу боис Олий Мажлис палаталари фаоли-яти нафақат сиёсий, балки иқтисодий барқарорлик нуктаи назаридан ҳам му-ҳимдир.

Ушбу Фармон коррупция-га қарши курашишда дав-лат органлари ва жамоат-чилик ўртасидаги ҳамкор-лиқни янги босқичга кўта-риш, коррупцияга оид жи-ноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга замин ярата-диган сабаб ва омилларни бартараф этишга қаратил-ган муҳим қадамдир.

Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.



Давлатимиз раҳбари раислигида 9 апрель куни ҳудудларнинг туризм салоҳиятини ошириш, хорижий инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши соҳа ривожига янги даврни бошлаб берди, десак, муболаға бўлмайди.



Йиғилишда таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимиз-нинг туризм экспорти 1,6 карра ошиб 3,5 миллиард долларга етди. Соҳада 2 мингдан ортиқ тадбир-корлар янги иш бошлади. Саёй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ ўтган йили хорижий сайёҳлар ташрифи илк бор 10 миллионлик маррадан ошди. Мазкур рақамларни аввалги йиллардагиси билан солиштирадиган бўлсак, юртимизга ташриф бу-юрган сайёҳлар сони 2024 йилда олдинги йилдагига нисбатан қарий 1,5, 2022 йилдагига нисба-тан эса 2 баробар ошган.

Бу албатта, мамлакатимизда ту-ризм соҳасига оид норматив-ҳуқуқий асослар такомиллаштири-либ, соҳа тадбиркорларига 100 га яқин солиқ имтиёзлари, субсидия, грант ва бошқа турдаги преферен-циялар берилган, миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозор-ларда кенг тарғиб қилиш учун шароитлар яратилганининг сама-расидир.

Қолаверса, мамлакатимизда қулай сайёҳлик муҳити шаклланти-рилди. Хусусан, виза режими ли-бераллаштирилди, электрон, тиб-биёт, талаба, зиёрат ва академик виза турлари жорий қилинди.

Айтилганидек, ҳудудларда ту-ризм ва сервис инфратузилмаси жадал ривожланмоқда. Бу борада, охириг катти йилда 6,5 миллиард доллар сармоя киритилиб, 130 мингта меҳмон ўрни яратил-ган. Хорижий давлатларда юрти-мизнинг туристик салоҳияти барал-ла эътироф этилмоқда. Хусусан, бугунги кунда “BBC”, “Euronews” каби нуфузли телеканалларда, 20 дан ортиқ халқро кўргазмалар-да Ўзбекистонга саёҳат кенг тарғиб қилинмоқда.

Аслида ҳам, юртимизда туризм-нинг ривожланиши иқтисодий ўсиш воситаси сифатида улкан салоҳи-ятга эга бўлиб, мамлакатнинг халқро миқёсда тан олинишига хизмат қилапти. Бугунги кунда уни иқтисодийнинг асосий тармоғига айлантириш бўйича қатор тадбир-лар ва дастурлар амалга оши-риляпти.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон туризм-ни ривожлантириш учун улкан са-лоҳиятга эга бўлиб, мамлакатимиз-

да 7400 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва улардан 209 таси ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Йиғилишда туризмни янада ри-вожлантириш, туристлар оқимини кўпайтиришга қаратилган вазифа-лар белгиланб олинди. Энди бу им-кониятлардан фойдаланиб соҳада-ги салоҳиятли бозорлардан сайёҳ-ларни жалб қилиш, тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Айни пайтда ишлаб чиқиляётган Миллий туризм ягона платформасига элек-трон виза бериш, чипта олиш жа-раёнлари ҳам уланиши, барча та-рихий обидаларга кириш имкони-ни берадиган “ягона туристик кар-та” жорий қилиниши белгиланди.

Эътиборлиси, сўнгги йилларда ички туризмга ҳам эътибор туйғай-ли маҳаллий сайёҳлар сони ўтган йилда 23 миллионга етди (тақ-қослаш учун: 2017 йилда бу 5 мил-лионга бўлган). Эндиликда ички туризмни янада ривожлантириш мақсадида, ҳар ойнинг бир шан-ба-яқшанбаси “Оила ва жамоа бил-лан саёҳатга чиқиш куни” деб эълон қилинди, ёшлар ўртасидаги мусобақа ғолибларига Ўзбекистон бўйлаб саёҳат йўлланмиси бери-ладиган бўлди.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш орқали бу йил 15 милли-он туристни жалб қилиш ва экс-портни 4 миллиард долларга ет-казиш марраси қўйилди. Туризм-нинг ўсиши эса аэропортлар, йўллар, меҳмонхоналар ва бошқа объектларни қуриш ҳамда модер-низациялаш каби инфратузилма-ларга инвестицияларни жалб қила-ди. Бу, ўз навбатида, меҳмонхона, умумий овқатланиш, транспорт ва хунармандчилик каби турли соҳа-ларда иш ўринларининг яратили-шига олиб келади.

Умуман олганда Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши барқарор иқтисодий ўсиш, даромадларни диверсификациялаш ва мамлакат-нинг халқро таъсирини кенгайти-ришга хизмат қилади.

Зумрад БЕКАТОВА, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси.

ОНА ҚАЛБИ ОЁҚҚА ТУРСА...

Аксинча, тинчлик ва осойиш-талиқ, юрт тараққиёти бар-давом бўлиши учун аёл, она сифати-да ақл-идрокимиз, куч-қувватимизни аямасак, уларнинг чин маънодаги да-вомчилари эканлигини исботлай-миз. Бизнинг бу борадаги саёй-ҳара-катларимиз эса, энг аввало, келажак-имиз бўлган ёшлар, фарзандлари-миз тарбиясига эътибордан бошла-нади.

Президентимиз шу йил 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағиш-ланган тантанали маросимдаги нут-қида бугунги таҳликали замонда жа-ҳон миқёсида қучайиб бораётган ра-дикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик, ҳаётга енгил-елли, истеъмолчилик кайфия-ти билан қараш каби хатарлардан ёшларимизни ҳимоя қилиш ўта дол-зарб масалага айланаётганини таъ-кидлаб, юртимиздаги барча аёллар-га мурожаат қилган эди.

Хусусан, оилада фарзанд тарбия-сига эътиборни кучайтиришимиз, боғча, мактаб ва олийгоҳларга кириб боришимиз, ўқитувчи ва мураббий-лар билан кўпроқ мулоқот қилиб, фарзанд ва набираларимизнинг



содик, ҳаёли ва ибодли, мустаҳкам иродали инсонлар этиб тарбиялаш учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз лозимлигини, бу жараён-ни аввало оиладан, маҳалладан бош-лаш зарурлигини айтиб, “Эзгулик — шиоримиз, маърифат — қуролимиз” деган ғоя илгари сурилди.

Дарҳақиқат, дунё яралибдики, фар-занд тарбиясида онанинг ролини ҳеч ким инкор эта олмайди. Зеро, уни дунёга келтирган ҳам она, оқ сут, меҳр бериб улғайтирган ҳам она. Ана шу узвий ришта боис улар бир-бирини нафақат жисман, балки қалбан тинг-лайди. Қолаверса, бугун аёлларимиз юртимизда ва жаҳонда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан беҳабар эмас. Улар — ўқимйишли, тадбиркор, касб-

хунарли, онг-савияли ва маданиятли. Бу эса фарзанд тарбиясида янада оқилона ёндашув имконини беради.

Муҳими, шу мусаффо осмон ости-да, жаннатноманд Ватанда фаровон ҳаёт кечиратганимиз, биз баҳраманд бўлаётган имконият ва шароитлар-нинг барчаси мана шу олий неъмат — тинчлик туйғайли эканини, аввало, ўзимиз англаб, шукрона келтириб яшасак, бу туйғу фарзандларимизга ҳам кўчади.

Тўғри, уруш майдонларида жангу-жадалларни кўрганлар орамизда кам қолди. Аммо унинг асорат ва оқибат-ларини, йўқчилиқни, урушдан кейин-ги машаққатли ҳаётни кўрганлар бор. Уларни йўқлаш, ўқувчилар, маҳалла ёшлари билан учраштириш, хузурла-рига бориб суҳбатларини олиш, улар-га қулоқ тутиш ёшдан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг кўнглига етиб бо-ради, барча неъматларнинг қадрига етишга ундайди.

Қорақалпоғистон Республикаси-нинг Тахтақўпир туманидаги Ўзбекис-тон маҳалласида 120 ёшдан ошган Бибиҳон мома Акимиязова истиқомат қилади. Уруш йиллари унинг отаси ва уч нафар отаси жангга кетган. Шу-

лардан бир отаси тирик қайтган, ле-кин у ҳам жароҳатлари сабаб узок яшамай вафот этган. Бибиҳон мома турмушга чиққан, аммо фарзанд кўрмаган. Ўшанда дўхтирлар “бу аёл

“Дунё яралибдики, фарзанд тарбиясида онанинг ролини ҳеч ким инкор эта олмайди. Зеро, уни дунёга келтирган ҳам она, она шу узвий ришта боис улар бир-бирини нафақат жисман, балки қалбан тинглайди. Қолаверса, бугун аёлларимиз юртимизда ва жаҳонда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан беҳабар эмас. Улар — ўқимйишли, тадбиркор, касб-хунарли, онг-савияли ва маданиятли. Бу эса фарзанд тарбиясида янада оқилона ёндашув имконини беради.”

қуйиб кетган”, деган экан. Урушдан олдин ва уруш йилларидаги қийин-чиликлар, ўзига суянчиқ бўлган тўрт алпини йўқотиши, унинг асаби ва соғлиғига жуда ёмон таъсир қилган ва натижада бепушт бўлиб қолган. Бугун у марҳум акасининг невараси ва неваря келини билан бирга яшайди.

Биз Бибиҳон момони чарчатиб қўймаслик учун хонадон келини Гул-наз Адипова билан суҳбатлашдик.

— Момомиз уруш йилларидаги қийинчиликлар ҳақида кўп эслайди, — дейди суҳбатдошимиз. — “Кун бўйи далада ишлаб, кечқурун тегиригмнга кетардик, қишлоқда бир тегирмон

бўлгани учун навбат кутиб қолар-дик. Уни олиб келиб, ҳамир қориб нон ёпғунимизча тонг отарди. Ва яна далага йўл олардик. Оғир, йўқчилик замони эди”, дея ҳикоя қилади. “Бугунги тўқин-сочин кун-ларнинг қадрига етинг, юртимиз тинчлигига кўз тегмасин”, деб дуо-га кўл очади.

Бибиҳон мома ва унинг замондош-лари кўрган азоблар бугунги ҳаёти-

ОДАМЛАРНИ ҲАЁТДАН РОЗИ ҚИЛИШ — ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Мажлисда солиқ ва тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш, ижтимоий ёрдам ва хизматлар самарадорлигини таъминлаш, аҳолини ҳамда ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати тизимини, риэлторлик фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, миллий қонунчиликни халқаро стан-



дартларга мувофиқлаштиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

ЎзЛиДеП фракцияси таклифи инobatга олинмади

Солиқ ва тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш, солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товланганлиги учун жавобгарликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий нормалар акс эттирилмоқда.

Шунингдек, судга қадар ва суд муҳокамаси давомида етказилган зарар тўлиқ қопланган ҳақиқда жавобгарликдан озод қилишни, ваколатли органларнинг терговга қадар текширув ҳаракатларини амалга ошириш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ваколатларини аниқлаштиришнинг назарда тутувиш ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мунозаралар давомида **ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Умид Якубхўжаев** қонун лойиҳасидаги “сохта тадбиркорлик” тушунчасига эътибор қаратиб, бугунги кунда биронга ривожланган давлатда бу тушунча қўлланилмаслигини қайд этди. Депутатнинг фикрича, бу норма бир вақтлар бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фибрибгарлик хавфи юқори бўлгани сабабли киритилган. Ҳозирги вақтда сохта фирма очиб ҳужжатларни қалбакилаштириш, солиқдан бўйин товлash бошқа моддалар билан жавобгарликка тортилишини ҳисобга олганда уни Жиноят кодексидан чиқариб ташлаш керак бўлади.

ЎЗХДП фракцияси аъзоси Анваржон Нурматов эса бу норма халқаро таърибда кенг қўлланилмаган бўлса-да, бугунги кунда солиқлардан қочиш ҳолатларининг олдини олиш, бюджет тушумларни тўлиқлигини таъминлаш долзарб вазифалардан бири бўлиб турганини қайд этди. Ушбу норма муҳим аҳамиятга эгалигини, уни қонун лойиҳасида қолдириш тарафдори эканини маълум қилди.

“Миллий тиклишни” ДП фракцияси аъзоси Руслан Жумауратовнинг таъкидлашича, юртимизда қонун устуворлиги тамойилини мустаҳкамлаш, адолатли ҳуқуқий тартиботни таъминлаш устувор вазифа ҳисобланади. Шу сабабли сохта тадбиркорликка қўл урганларнинг жинояти учун жавобгарликнинг сақлаб қолиниши иқтисодий хавфсизлиқни таъминлашда муҳим воситадир. Депутат ҳамкасбларини ушбу нормани ҳамда қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашга чақирди.

“Адолат” СДП фракцияси аъзоси Дилмурод Исмоилов сохта тадбиркорлик орқали давлат ва жамият манфаатларига, бюджетга зарар етказилиши, фуқароларнинг ишончи суистеъмол қилиниши адолат тамойилига зид эканини қайд этди. Фракция сохта корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва улар орқали жиноят содир этиш ҳолатларини фош қилиш билан бир қаторда, реал фаолият юритувчи, бироқ таърибасиз ёки нотўғри бошқарув туфайли инкирозга учраган тадбиркорларнинг айбсиз жазоланмаслиги тарафдори эканини таъкидлади.

Экологик партия фракцияси аъзоси Нойба Иноятова ҳам юқорида билдирилган фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, ушбу таклиф қонун лойиҳасининг концепцияси билан боғлиқлиги ҳамда мазкур концепция биринчи ўқишда қабул қилинганини ҳисобга олиб, қўмитанинг таклифини овозга қўйишни таклиф этди.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг ЎзЛиДеП фракциясининг таклифи инobatга олинмади ва ушбу норма қонун лойиҳасида қолдирилган бўлди. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Айрим нормалар такомиллаштирилади

Мажлисда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — лицензиялаш, рұхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Мазкур қонун лойиҳасида тадбиркорлик

субъектларининг 12 турдаги лицензия, рұхсат бериш ва хабарнома олиш талаби бекор бўлиши, лицензиялаш, рұхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш бўйича аризаларни Давлат хизматлари марказлари орқали ҳам тақдим этиш имкониятини яратиш белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215⁻моддасига ташаббускор томонидан киритилган янги қўшимча, яъни жавобгарлик масаласи ушбу модданинг ўзида “давлат хизматларини кўрсатиш чоғида муружаатларни кўриб чиқиш тартибини ва муддатларини бузиш” нормаси депутатларнинг таклифларига асосан чиқариб ташланди.

Шунингдек, 4 та лицензия ва рұхсатномани хабардор қилиш тартибига ўтказиш, 1 та хабарнома юбориш тартиб-таомилини рұхсат бериш тартибига, 2 та лицензия учун хулоса олишни бекор қилиш назарда тутилмоқда. 3 та рұхсат бериш тартиб-таомили “Лицензиялаш, рұхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштирилмоқда.

Қонун лойиҳаси қизғин муҳокамага сабаб бўлди. **ЎЗХДП фракцияси аъзоси Зокиржон Зоҳидов** қонун лойиҳасининг 2-моддаси билан “Экспорт назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига “Махсус турдаги товарлар экспорти ва импорти учун рұхсатнома бериш” ваколатини киритиш таклиф этилганини айтди. Бирок унинг мақсади экспорт назорати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Депутат мазкур ҳужжатга импорт масаласи учун рұхсатномани киритиш қанчалик тўғри эканини сўради.

Шунингдек, модданинг номига “импорт” сўзини қўйиш кераклигини таъкидлади.

Ушбу масала юзасидан батафсил тушунтириш бериб ўтилди.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Хусан Яркулов эса қонун лойиҳаси билан ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятни, яъни ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қўрилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини хабардор қилиш тартибидан лицензиялаш тартибига ўтказилаётгани, бироқ ушбу ўзгаришларнинг ҳуқуқий асоси мавжуд эмаслигига уруғ берди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2025 йил 19 мартдаги Фармонида 2028 йил 1 январга қадар кичик ва ўрта бизнес субъектлари зиммасига янги мажбуриятлар юклатилишини назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга мораторий эълон қилингани, шу боис мазкур ўзгаришлар Фармонга қанчалик мос келиши билан қизиқди.

Мажлисда қонун лойиҳасининг 2 ва 4-моддалари қизғин мунозараларга сабаб бўлди. ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари ушбу моддаларда таклиф этилаётган нормалар юзасидан аниқлаштирувчи саволлар ва қатор таклифлар берди.

Қизғин тортишувлардан сўнг депутатлар томонидан берилган таклиф ва тавсиялар асосида ушбу моддалар такомиллаштирилдиган бўлди.

Ижтимоий ҳимоя адолатли бўлади

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси ижтимоий ҳимоянинг адолатли бўлиши ва ҳақиқатан ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга етиб боришини таъминлашга қаратилган. Лойиҳа билан айрим нотириал ҳаракатлар ҳақидаги маълумотларнинг Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига берилиши таклиф этилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида масъул қўмита томонидан бир қатор ишлар амалга оширилгани, жумладан, ҳуқуқшунослар, экспертлар ва сисёий партиялар фракциялари аъзолари иштирокида семинарлар, ишчи гуруҳ йиғилишлари ўтказилгани қайд этилди. Ҳужжат матнини янада такомиллаштириш, уни пишқурхата холатга келтириш бўйича берилган барча таклиф чуқур таҳлил қилиниб, улар асосида лойиҳа матни маромига етказилгани таъкидланди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Қонун лойиҳаси билан имтиёзлар бериланти

Депутатлар таъйиқ ва ўзравонлиқдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан муҳокама этди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига таъйиқ ва ўзравонлиқдан жабр қўрган хотин-қизларнинг йўқотилган банк пластик картасини тиклаш учун тижорат банкларига муружаат қилиш юзасидан нотириал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномани тасдиқлаш ҳуқуқини бериш таклиф этилмоқда.

Лойиҳада аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳудудий марказларига жойлаштирилган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари учун йўқотилган биометрик паспортлари (идентификация ID-карталари), никоҳни қайд этганлик ва туғилганлик тўғрисида тақрорий гувоҳномалар берилганда давлат божи ундирилмаслиги белгиланяпти.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг зарурати ва аҳамиятига эътибор қаратиб, унда назарда тутилётган айрим нормалар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ҳамда тавсияларини билдирди.

Хусусан, **“Адолат” СДП фракцияси аъзоси Беҳзод Тўхтамуродов** банк карталарини тиклашда инсон омилининг иштирок этишига қарши чиққан бўлса, **депутат Зухриддин Мавлонов** қонун лойиҳасида фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳимоя қилиш бўйича норма киритилмаганига эътироз билдирди.

Қизғин мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ҳаётий эҳтиёжлар таъминланади

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда эҳтиёжманд шахсларга ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Солиқ кодексини ҳамда “Давлат бўлхона хизмати тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни оммалаштириш мақсадида ҳомиёлик ташкилотлари томонидан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га ёки “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилалар аъзоларига тўғридан-тўғри бериладиган пул маблағлари тарзидаги ҳомиёлик хайрияларининг солиқ солинмайдиган миқдорини 34 млн. сўмгача этиб белгилash назарда тутиляпти. Амалда бу миқдор 15 млн. сўмни ташкил этган.

Шунингдек, 2025 йил 1 январдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, хотин-қизлар ҳамда болалар жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш учун ундирилдиган давлат божининг белгиланган ставкасини 2 баравар камайтириш белгиланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари — ҳимояда

“Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Ушбу қонун лойиҳасида педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларини чиқариб ташлаш орқали 18 ёшгача бўлган болани ногиронлиги бўлган бола, деб топиш тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни қўриқдан ўтказишнинг йигирма календар кундан кечиктирилиши амалга оширилиши, шунингдек, ногиронлиқни белгилash мезонлари ва механизмлари, жумладан, шахсини тиббий-ижтимоий экспертизага юбориш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши назарда тутиляпти.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ногиронлиқни белгилash мезонлари ва механизмларини соддалаштириш, ушбу тоифадаги шахсларга ижтимоий ёрдам давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда кўрсатилишини таъминлаш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир хил ёндашув шаклланишига хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ЎЗХДП фракцияси қонун лойиҳасига қарши чиқди

Мева-сабзавот етиштирувчи ва қайта ишловчи субъектларнинг ҳамда Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси билан Кишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги мева-сабзавотчилик йўналишидаги махсулот етиштирувчи, қайта ишловчи субъектлар, иссиқхона ҳўжаликлари ҳамда ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган аризалар, шикоятлар ва даъволар юзасидан давлат божини тўлашдан озод этилиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларининг ва бошқа юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий чораларини кучайтириш, уларнинг фаолиятида ортиқча харажатларнинг олдини олиш ва қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

ЎЗХДП фракцияси аъзоси Қизилгул Қосимова мазкур қонун лойиҳаси кунни кеча бўлиб ўтган фракция йиғилишида батафсил кўриб чиқилганини қайд этди. Агентлик мамлакатдаги барча махсулот етиштирувчилар ҳимоясини лойиҳада назарда тутилганидек ҳимоя қила оладими? Бу эртага қонуннинг қанчалик тўғри ишлашига хизмат қилади, коррупциявий хатарлар юзгага келмайдими, деган саволни ўртага ташлади. Қолаверса, Фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси бажарадиган функцияларни агентлик нега ўз зиммасига олмақчи, дея қонун ташаббускорларига юзланди. Айни вақтда лойиҳани концептуал кўриб чиқиб, аниқ вазифаларни кўрсатиб ўтиш зарурлигини билдирди.

ЎЗХДП фракцияси аъзоси Анваржон Темиров эса қонун лойиҳасининг концепциясини қўллаб-қувватлаган ҳолда, лойиҳа давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 30 сентябрдаги Фармонининг 12-бандига асосан ишлаб чиқилганини, бироқ унинг 13-банди эътиборга олинмаганини қайд этди.

Қонун ташаббускорлари кўтарилган масалалар юзасидан батафсил тушунтириш бериб ўтди.

Мажлисда **ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Ақтам Ҳайитов** бу бўйича ўз нуқтаи назарини билдирар экан, лойиҳани биринчи ўқишда қабул қилишни ва муҳокама давомида билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, уни янада такомиллаштириш лозимлигини таъкидлади.

ЎЗХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов қонун лойиҳаси фракция йиғилишида концептуал жиҳатдан муҳокама қилинаётганда электротарнинг ҳуқуқ ва манфаатларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси Равшан Мамутов кўтарилган саволлар бўйича тушунтириш бериб ўтди. Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавотчилик соҳасида ажратилаётган маблағлар мақсадли сарфланишида давлат назоратини ўрнатишга қаратилган. Шунингдек,



депутат лойиҳа айрим камчиликлардан холи эмаслигини, яъни агентлик ваколатлари умумийликка асослангани, шу сабабли уни иккинчи ўқишга тайёёрлашда нормаларни аниқ кўрсатиб ўтиш мақсада мувофиқлигини таъкидлади.

Қизғин баҳс-мунозаралар ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Риэлторлик фаолиятида шаффофлик

Мажлисда “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан норасмий воситачилар (маклерлар)ни “соя”дан чиқаришда рағбатлантирувчи чора сифатида яқка тартибдаги тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахсларга “кўчмас мулк бўйича агент” сифатида риэлторлик фаолиятини юритишга рұхсат бериш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, банқдан ташқари айланмани, шу орқали “яширин иқтисодиёт”нинг қисқариши ва риэлторлик хизматларини “ағона дарча” тамойили асосида кўрсатиш мақсадида кўчмас мулк объектларининг электрон савдосини ҳамда ҳисоб-китобларни электрон шаклда амалга ошириш (клиринг) имконини берувчи мультилистинг тизимларини (электрон савдосини) ташкил этиш белгиланяпти.

Мажлисда депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ва заруратига эътибор қаратиб, унда назарда тутилётган айрим нормалар бўйича бир қатор саволларни ўртага ташлашди. Қонун ташаббускорлари берилган саволлар юзасидан атрофлича тушунтириш бериб, билдирилган айрим таклифлар лойиҳани такомиллаштириш ва маромига етказишда эътиборга олинганини қайд этди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Бож ставкалари ЖСТ қондаларига мувофиқлаштирилмоқда

“Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан энг қўлай режимига эга бўлмаган давлатлардан (амалда 57 давлат энг қўлай режимига эга) Ўзбекистонга келтирилаётган товарлар учун товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатлар мавжуд бўлмаганида, импорт божини 2 қарра ошириб қўллаш амалиётини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Қизғин муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиб, унда назарда тутилётган айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши миллий қонунчилик нормаларини Жаҳон савдо ташкилотини қондаларига мувофиқлаштириш ҳисобида адолатли қондалар асосида савдонга амалга ошириш, импорт ва экспорт географияси кенгайишига хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

КЎЗ ЎНГИМИЗДА ЎЗГАРАЁТГАН АНДИЖОН

Тадбиркорлик субъектлари ва аҳолини узлуқсиз электр қуввати билан таъминлаш имкониятини янада яхшилаш мақсадида сув оқими юқори бўлган ариқ ва каналларда 75 мегаватт қувватга эга кичик ва микро-ГЭСлар қуриш вазифаси белгиланди. Бунда қатнашадиган тадбиркорларга 3 йил имтиёзли муддат билан, 7 йилга 12 фоиз ставкада кредит бериладиган бўлди.

Қурилиш ва инфраузулмани ривожлантириш бўйича ҳам вазифалар кўп. Хусусан, бу йил 9 700 хонадонли 245 та кўп қаватли уй қурилади. Бу соҳада 10 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланади. Минг километрдан зиёд йўл ва кўприқлар таъмирланади. Шу билан бирга, виллоятдаги саноат зонасида янги корхоналар ташкил этиш, кишлоқ ҳўжалиги махсулотларини қайта ишлаш ва экспортроп махсулотлар ишлаб чиқаришга оид лойиҳалар ҳам тақдим қилинди. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши жорий йилда 5 млрд. 700 млн. долларлик 166 та инвестиция лойиҳасини ишга тушириш имконини беради. Бу орқали 31 мингта иш ўрни очилади, 30 дан ортиқ турдаги янги махсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 1,5 млрд. долларлик экспорт имконияти яратилади. Корхоналари барқарор энергия билан таъминлаш учун 65 мегаватт янги қувватлар барпо этилади. Энг муҳими, йил якунига қадар виллоятда 305 минг нафар аҳоли даромадли иш билан таъминланади.

Хуллас, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида Андижон республикамазмизинг энг обод, кўркам ҳудудларидан бирига айланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Андижонга ўтган йилнинг февраль ойидаги ташрифи чоғида кўллаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, виллоятда олиб борилаётган қурилиш, бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, саноат, кишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш юзасидан тегишли вазифаларни белгилab берган эди. Ўтган йилги виллоятда ялпи ҳудудий махсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2023 йилдагига нисбатан сезиларли даражада ўсди. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий махсулот ҳажми 26,4 млн. сўмни ташкил қилди. 2024 йил давомида инвестиция лойиҳалари доирасида 380 та лойиҳа амалга оширилди. Бунда тўқимачилик, саноат, қурилиш ва кишлоқ ҳўжалиги соҳалари салмоқли ўрин эгаллади. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса инвестиция лойиҳалари самарасида ҳамда тижорат банклари иштирокида 77 минг нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Хуллас, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида Андижон республикамазмизинг энг обод, кўркам ҳудудларидан бирига айланиб бормоқда.

Хуллас, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида Андижон республикамазмизинг энг обод, кўркам ҳудудларидан бирига айланиб бормоқда.

Хуллас, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида Андижон республикамазмизинг энг обод, кўркам ҳудудларидан бирига айланиб бормоқда.

Хуллас, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида Андижон республикамазмизинг энг обод, кўркам ҳудудларидан бирига айланиб бормоқда.

Хуллас, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида Андижон республикамазмизинг энг обод, кўркам ҳудудларидан бирига айланиб бормоқда.

Хуллас, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида Андижон республикамазмизинг энг обод, кўркам ҳудудларидан бирига айланиб бормоқда.

Хуллас, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида Андижон республикамазмизинг энг обод, кўркам ҳудудларидан бирига айланиб бормоқда.

Хуллас, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида Андижон республикамазмизинг энг обод, кўркам ҳудудларидан бирига айланиб бормоқда.

Хуллас, давлатимиз раҳ

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Халқаро Нордик университети, Швециядаги элчихонамиз ва унинг ҳузуридаги Миллий маданият маркази ҳамкорлигида юртимиздан узоқда — Европа давлатлари, хусусан, Нордик мамлакатларидаги ватандошларимизнинг фарзандлари учун катта ҳаётий аҳамиятга эга лойиҳа — она тилини асраш ва авлодлар орасида миллий қадриятлар узвийлигини таъминлашга қаратилган онлайн ўзбек тили курси лойиҳаси йўлга қўйилмоқда.

Нуктаи назар

Бу лойиҳа шунчаки она тили дарси эмас, балки чет элларда ҳам миллий ўзликни унутмаслик, Ўзбекистон ва унинг қадриятларини қалбларда бардавом сақлаш ҳаракатидир. Миллий ўзлик, аввало, бу — тил. Тил орқали эса қалбларда Ватан ва унга содиқлик руҳи ҳукмрон бўлади.

Бугун дунёнинг турли нуқталари, хусусан, Нордик мамлакатлари — Швеция, Норвегия, Дания, Финляндия ва Исландия, шунингдек, Европанинг бошқа мамлакатларида истиқомат қилувчи ватандошларимиз сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Марказий Осиё, жумладан, юртимизнинг кўп минг сонли фуқаролари меҳнат фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Биргина Швециянинг ўзида ҳозирда 15 минг нафардан ортиқ ватандошларимиз яшайди.

Хорижий давлатларда малакали, меҳнатсевар ишчиларга талаб ортиб бораётган бир пайтда ўзбекистонликларнинг ўз касбий салоҳиятларини намойиш этиш, турли соҳаларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратилмоқда. Мухожир болалар учун эса махсус тил ўргатиш ва интеграция дастурлари мавжуд бўлиб, бу уларнинг маҳаллий мактабларга тез ва самарали мослашишини таъминламоқда. Бу ҳолат эса ўз-ўзиндан Ўзбекистон билан боғланиш, она тилимиз ва миллий қадриятларимизни янги авлодга етказиш масаласини кун тартибига қўяди. Зеро, инсон қаерда яшамасин, қалби ва фикри Ватани билан уйғун бўлмаса — у мустақкам илдизга эга бўлмаган дарахт мисолидир. Хориждаги ўзбек фарзандлари қал-



бида Ўзбекистон, ўзбек тили ва маданиятини жонли сақлаб қолиш бу юртимизнинг келажаги учун ҳам стратегик масалалар.

Ассимиляция хавфи ҳам мавжудки, биринчи авлодга теғмайди, лекин иккинчи ва учинчи авлод учун муаммо бўлади. Тақриба илми кўрсатадики, хорижга кетган илк авлод ватандошлар ўз миллатини, тилини, қадриятларини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Аммо фарзандлари, айниқса, иккинчи ва учинчи авлодлар учун бу ришталар тобора заифлашади. Улар мактабда бошқа тилда ўқийди, маҳаллий тенгдошлари билан ўсади ва кўпинча Ўзбекистон ҳақида тасаввурлари ноаниқ ёки фақат ота-оналар эслатмаларидан иборат бўлиб қолади. Ўзбек тилида раво-н гаплаша олмайдиган, маданий илдизларини яхши билмайдиган авлод эса вақт ўтиши билан ўз миллийлигини унуттишга маҳкум бўлади.

Маданий хотира ва тил — миллатни тирик тутувчи куч. Ҳар бир миллатни тарихда сақлаб қоладиган омиллар — бу унинг тили, маданияти ва тарихи. Шунинг учун ҳам ҳар қандай халқ ўз фарзандини шу руҳда тарбиялайди. Германиядаги турклар, Франциядаги мароккашликлар, АКШдаги японлар, хитойликлар ўз фарзандларига биринчи навбатда ўз тилларини, мадания-

тини, урф-одатларини ўргатади. Ўзбекистон ҳам бу борада сусткашликка йўл қўймаслиги керак.

Бундай жараёни фақат ота-оналарнинг зиммасига юклаб қўйиш адолатдан эмас. Бу масалада давлат, жамоатчилик ва таълим тизими бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши лозим. Амалий ташаббуслар: онлайн мактаблар, дарсликлар, маданий марказлар эса самарали ечимлардир.

Миллий ифтихор — куч ва ишонч манбаи

Ўзбекистоннинг Швециядаги элчихонаси ташаббуси билан Нордик университети томонидан ўзбек тилини ўрганиш, ўзбек маданияти ва тарихи ҳақида билим бериш бўйича турли лойиҳалар йўлга қўйилмоқда.

Хусусан, шу йилнинг 26 апрели кунин Европадаги ватандошларимизнинг фарзандларига она тилини унутмаслик учун (ўзбек тилидан) онлайн курс очилиши ўтказилади. Унда курснинг асосий максадлари, дастури, тақрибли устозлар жамоаси ва келгуси режалари тақдим этилади. Швеция, Дания, Норвегия ва Европанинг бошқа мамлакатларидаги ўзбек тилини ўрганаётган ўқувчилар, ота-оналар ва болалар, ўқитувчилар, курсга қизиққан барча юртодошларимиз илм сари, тил сари, илдиз сари йўналтириб борилади.

Ўзбекистоннинг Швеция қироллигидаги элчихонаси ҳузуридаги Миллий маданият маркази раҳбари, Салем муниципалитети болалар ва таълим бўлими маслаҳатчиси Зилола Йўлчиева билан ҳамкорликда лойиҳа доирасида Нордик мамлакатларида яшаётган ватандошларимиз ўртасида Ўзбекистон ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ўзбек тилини ўқитиш бўйича онлайн таълим курсида қатнашиш учун сўровнома ўтказилди. Натижада онлайн мактабни қандай ташкил этиш юзасидан мазкур давлатлардаги минглар ота-оналар, болалар, ўқитувчиларнинг фикрлари ва тақлифлари ўрганилишига эришилди. Яна бир муҳим ташаббус Халқ-

аро Нордик университети вакиллари Швециядаги Ўзбекистон Миллий маданият маркази ҳузурида очилган кутубхона фонди учун ўзбек тилида дарслик ва китоблар тўпламини етказди. Ватандош болаларга мўлжалланган маданий тадбирлар, саҳна кўринишлари, миллий байрамлар ташкил этилиши, ZOOM орқали интерфаол машғуллотлар, викториналар ва суҳбатлар ўтказилиши — бу каби қатор ташаббуслар юртдан олисдаги ўзбек фарзандларини нафақат тил қўниқмалари, балки Ўзбекистон билан руҳий боғлиқлигини ҳам кучайтиради.

Самарали ҳамкорликка кенг йўл

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг 9 апрель кунин Парламентлараро Иттифоқнинг 150-йубилей ассамблеясида иштирок этган 30 нафар нуфузли делегат — Нордик давлатлари парламент аъзоларининг Нордик университети таърифиди ҳам бу борада янада самарали ҳамкорликка кенг йўл очилди. Зеро, бу савий-ҳаракатларнинг барчаси таълимда интеграция ва трансформация жараёнини янада ривожлантириш, яқка ҳолда эмас, давлатлараро ҳамжиҳатлик ва уйғунликда ривожланиш, марраларни забт этишга хизмат қилади.

Фарзандларимиз ким бўлиши керак — европалик ўзбекми ёки ўзбек европаликми? Савол жуда мураккаб ва ўта нозик. Албатта, улар яшаётган давлатлар қонунига, маданиятига ҳурмат билан қарашида, ўша муҳитда улғаяди. Лекин ўзлигини унутмаслиги керак. Улар Европада яшаётган ўзбек сифатида миллий ифтихорга эга бўлиши лозим. Бу уларга куч, ўзига ишонч беради, кимлигини англатади. Ўзбек тилида сўзлаша оладиган, Наврўз ва Мустақиллик байрамларининг

Бугун фарзандларимизни она тили, маданияти ва миллий қадриятларидан узиб қўймаслик, бу — нафақат тилини ўргатиш, бу — кимлигини англатиш, қандай халққа мансуб эканини эслатиш, келажакка мустақкам илдиз билан йўл олишдир. Зеро, она тили орақадан отилган биринчи сўз, биринчи овоз, биринчи Ватан! Илдизларни сақласак, "дарахтларимиз" ҳам баравж ўсади.

Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,
Халқаро Нордик университети ректори, профессор.



ТУРКИЯ ПОЙТАХТИДА УЛУҒ ҚОМУСИЙ ОЛИМ АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ БЮСТИ ЎРНАТИЛДИ

Туркия пойтахтида буюк астроном, математик ва географ Аҳмад ал-Фарғоний шарафига ўрнатилган бюстнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанали тадбирда Ўзбекистон маданият вазирининг биринчи ўринбосари Авазхон Тожионов, Анқара шаҳри Кечиорен тумани ҳокими Месут Ўзарслан, Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ бош қотиби ўринбосари Сайид Юсуф, Туркия Буюк миллат мажлиси, дипломатик корпус, академик доира ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Эхтиром

Маданият вазирининг биринчи ўринбосари сўнгги йил-

ларда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланаётганини таъкидлади. Ушбу жараёнда маданий-гуманитар алоқаларнинг алоҳида ўрни борлиги, бу йўналишдаги ҳамкорлик икки халқнинг янада яқинлашишига хизмат қилаётгани қайд этилди. Шундай эзгу максадлар замирида буюк аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг бюсти Анқара шаҳри-

даги марказий богда ўрнатилиши катта аҳамиятга эга экани ургуланди.

Кечиорен тумани ҳокими Месут Ўзарслан Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий мероси нафақат ўзбекистонликлар, балки бутун туркий халқлар учун фахр ва илҳом манбаи эканини таъкидлади. У аломанинг номини абадийлаштириш орқали ёш авлодни илм ва маърифатга даяват этиш максад қилинганини билдирди.

ТУРКСОЙ бош қотиби ўринбосари Сайид Юсуф эса, ўз навбатида, Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия, география ва математика соҳаларидаги кашфиётлари орқали жаҳон илм-фани ривожига

қўшган беқиёс ҳиссасига алоҳида тўхтади. "Туркий давлатлар ҳамжиҳатлиги рамзи сифатида ушбу бюстни ўрнатиш ташаббуси юксак эътирофга лойиқ", деди у.

Тадбир якунида таниқли хонанда Отабек Мухаммадзоҳид томонидан концерт дастури тақдим қилинди. Унда ижро этилган ўзбек миллий маком ва замонавий эстрада қўшиқлари барчага хуш кайфият улашди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Анқара шаҳрида Аҳмад ал-Фарғоний хотирасига атаб ёдгорлик ўрнатилиши Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик ришталарини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

«Дунё» АА.
Анқара

КОСОВОДАГИ ОЛИМПИАДАДА ВАКИЛЛАРИМИЗ 3 ТА МЕДАЛГА ЭГА БЎЛИШДИ



Яқинда Косово Республикаси пойтахти Приштина шаҳрида Европа қизлар математика олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда 55 та давлатдан 300 нафарга яқин ўқувчи қизлар иштирок этди.

Фахр

Мақкамова қомуш, Нукус шаҳридаги 1-сонли ихтисослаштирилган мактабнинг 9-синф ўқувчиси Малика Хожамуратова ва Бухоро вилояти, Қорақўл туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси Насрин Касимова бронза медалларига сазовор бўлди.

Исломжон ИКРОМОВ,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

Расмларда — муҳаббат туйғуси

Тошкент шаҳридаги соғлиқни сақлаш муассасаларида "Менинг онам ҳамшира" мавзuida расмлар танлови бўлиб ўтди.

Танлов

Хусусан, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида ушбу тадбир билан ҳаммадан тарзда ҳамширалар фарзандлари иштирокидаги иходий кўргазма ҳам ташкил этилди.

Қувонарлиси, болалар чизган расмлари орқали оналарига бўлган фахр ҳамда муҳаббат туй-

ғуларини ифода этишди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан уюштирилган ушбу тадбир якунида голиблар ва фаол қатнашчилар эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Этиборлиси шундаки, бу мазмундаги тадбирлар орқали соҳа вакилларининг қадри, оиласи ҳамда фарзандларига бўлган эътибор янада мустаҳкамланади.

«Халқ сўзи».



Куала-Лумпурда энг йирик «MATA Fair» туризм кўргазмаси арафасида Ўзбекистон — Малайзия туризм форуми бўлиб ўтди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 559 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғош бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахририятга келган қўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6

Ибрат

Шахрисабз туманининг Сарчашма қишлоғи Хисор тоғ тизмалари бағрида жойлашган. Худуднинг табиати қанчалик гўзал бўлса, у ерга бориш ҳам шунчалик қийин. Бунинг учун тоғ сўқмоқлари бўйлаб машинада анча машаққатли йўлни босиб ўтиш керак.

ТОҒЛАР БАҒРИДАГИ НУРХОНА



2020 йилнинг февралидида вилот раҳбари бошчилигидаги масъуллар шу тоғли қишлоққа бориб, у ердаги муаммоларга ечим излашган эди. Маҳалла ёшларининг талабига кўра қишлоққа махсус контейнер олиб борилиб, унда мўъжаз кутубхона ташкил этилди. Кутубхонага 200 дан ортиқ бадий ва илмий-оммабо китоблар совға қилинди.

Очиги, аввал ким вилотнинг турли худудларида бу каби ўнлаб лойиҳалар амалга оширилган. Бирок уларнинг аксарияти қутулган самарани бермаганди. Шу боис олис тоғ қишло-



жагонларга назар ташлаймиз. Уларда унча-мунча туман марказларидан топиш имкони бўлмаган асарлар ҳам, яқиндагина нашрдан чиққан китоблар ҳам бор. Буни қўриб кутубхоначи йигитнинг чиндан-да ташаббускорлиги, фаоллиги, қишлоқдошларини энг янги ва яхши асарлардан баҳраманд этиш учун астойдил жон қойитаётганига яна бир бора амин бўлди.

— Яраш Жўраевни ижтимоий тармоқларда ҳам кузатиб бораман, — дейди Маънавият ва маърифат маркази Шахрисабз туман бўлими раҳбари Шахло Тоғаева. — Бу йигитнинг китобларни қанчалик севиши ва қадрлашига, ўз ишига бўлган садоқати, фидойилигига доим қойил қоламан. Ҳатто қайси нашриётда қайси китоб босмага тайёрланаётганидан ҳам хабардор. Уни биринчи бўлиб ўз кутубхонасига олиб келишга, қишлоқдошларини ундан баҳраманд этишга ҳаракат қилади. Бу кутубхона билан ташиқлотимиз ўртасида ҳам доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Биз ҳам турли тадбирлар доирасида китоблар келтириб, кутубхона фонднинг бойишига ҳаракат қилимиз.

Яраш Жўраевнинг кутубхонани бойитишга астойдил бел боғлагани бежиз эмас. Чунки қишлоқдошлари китобхон, кутубхона доимо ўқувчилар билан гавжум. Келаётган ҳар бир янги китоб дарҳол қўлдан-қўлга ўтиб ўқилади. Умумий аҳолиси атиги беш мингдан ошадиган чекка тоғ қишлоғидан шу вақтга қадар икки нафар профессор, ўндан ортиқ фан номзодлари, шунингдек, республика миқёсидаги ташкилотларда фаолият юритаётган яна ўнлаб масъул раҳбарлар етишиб чиққанининг боиси ҳам сарчашмаликларнинг китобга, илмга ошнолигидандир.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).